



**А. С. ПУШКИН ИЖОДИДА ШАРҚ ОБРАЗИ: МАДАНИЙ-
ТАРИХИЙ ВА АДАБИЙ ЖИХАТЛАР**

Валиходжаева Фарруха Батировна,

Самарқанд давлат чет тиллар институти,

Самарқанд, Ўзбекистон,

e-mail: farruxa193@gmail.com

Аннотация: В статье рассматривается проблема восточной тематики в творчестве А. С. Пушкина в контексте русской литературы эпохи романтизма и межкультурных связей России и Востока. Анализируются биографические, культурно-исторические и литературные предпосылки формирования пушкинского ориентализма, особенности использования восточных образов и лексики, а также основные концепции отечественных и зарубежных исследователей. Показано, что восточные мотивы в творчестве Пушкина не носят поверхностного характера, а отражают глубокий художественно-философский поиск и опору на реальный жизненный опыт поэта. Делается вывод о значимости дальнейшего комплексного изучения проблемы «Пушкин и Восток».

Ключевые слова: А. С. Пушкин, Восток, ориентализм, романтизм, восточные мотивы, русская литература XIX века, межкультурные связи, восточная лексика, художественный образ, западно-восточный синтез.

Abstract: The article examines the problem of Eastern themes in the works of **A. S. Pushkin** within the context of Russian Romantic literature and the intercultural relations between Russia and the East. The study analyzes the



biographical, cultural-historical, and literary prerequisites for the formation of Pushkin's orientalism, the specific features of his use of Eastern imagery and vocabulary, as well as the key concepts proposed by Russian and foreign scholars. It is demonstrated that Eastern motifs in Pushkin's works are not superficial but reflect a profound artistic and philosophical quest grounded in the poet's real-life experience. The article concludes by emphasizing the importance of further comprehensive research into the problem of "Pushkin and the East."

Keywords: A. S. Pushkin, the East, orientalism, Romanticism, Eastern motifs, 19th-century Russian literature, intercultural relations, Eastern vocabulary, artistic image, West–East synthesis.

Аннотация: Мақолада А. С. Пушкин ижодидаги шарқ мавзуси рус романтизми даври адабиёти ҳамда Россия ва Шарқ ўртасидаги маданий-цивилизацион алоқалар контекстида тадқиқ этилади. Пушкинга хос ориентализмнинг шаклланишига олиб келган биографик, маданий-тарихий ва адабий омиллар, шарқ образлари ва лексикасидан фойдаланиш хусусиятлари, шунингдек маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг асосий концепциялари таҳлил қилинади. Пушкин ижодидаги шарқ мотивлари юзаки характерга эга эмаслиги, балки шоирнинг чуқур бадий-фалсафий изланишлари ва реал ҳаётий тажрибасига таянишини акс эттириши кўрсатилади. Мақолада «Пушкин ва Шарқ» муаммосини янада комплекс тарзда ўрганишнинг аҳамияти хулоса қилинади.

Калит сўзлар: А. С. Пушкин, Шарқ, ориентализм, романтизм, шарқ мотивлари, XIX аср рус адабиёти, маданиятлараро алоқалар, шарқ лексикаси, бадий образ, ғарб–шарқ синтези.



А. С. Пушкин ижоди рус адабиёти тарихида нафақат миллий, балки умумжаҳон маданий жараёнлари билан узвий боғлиқ ҳодиса сифатида намоён бўлади. Айниқса, Шарқ мавзусининг шоир бадиий меросидаги ўрни масаласи адабиётшуносликда доимий қизиқиш уйғотиб келган. Пушкин асарларида Шарқ экзотик образлар манбаи сифатидагина эмас, балки чуқур маданий, фалсафий ва эстетик маъноларни ифода этувчи бадиий макон сифатида талқин этилади. Шу боис «Пушкин ва Шарқ» муаммоси рус адабиётида маданий алоқалар, ориентализм ва романтик тафаккурни ўрганишда муҳим илмий йўналишлардан бири ҳисобланади.

Рус ёзувчилари асарларининг материаллари кўпинча этимологик ва тарихий-лексикологик тадқиқотларда келтирилган маълумотларни аниқлаштириш ёки тўлдириш имконини беради, жумладан сўзнинг рус тилида пайдо бўлган вақти ёки рус манбаларда қайд этилган даври ҳақида. Асар матнлари шарқона сўзларнинг турли хиллари ҳақида қизиқарли маълумотлар тақдим этади: адабий тил томонидан ўзлаштирилган - этимологик ориентализмлар ва кенг қўлланадиган ориентализм-экзотизмлар, шунингдек адабий тил томонидан ўзлаштирилмаган ҳудудий ва окказионал элементлар. Охирги турдаги элементлар асосан Шарқ билан у ёки бу даражада боғлиқ асарларда учрайди. Кенг доирадаги асарлар турли хил шарқона лексик элементларни ўз ичига олади. Масалан, А. С. Пушкин асарларида тўрт юздан ортиқ ориентализм ва улардан ҳосил бўлган сўзлар аниқланган. [1, с. 11].

А.С. Пушкин ижоди унинг ҳаёт йўли билан узвий боғлиқ: шоир таржимаи ҳолидаги ҳар бир янги босқич бир вақтнинг ўзида унинг бадиий тараққиётининг ҳам янги босқичидир. Бу борада 1820–1823 йиллардаги жанубий сурғун даври алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, тадқиқотчиларнинг кўпчилиги уни ҳақли равишда ижодининг романтик



босқичи билан боғлайди. Айнан шу даврда Пушкин инглиз романтик шоири Ж.Г. Байрон асарлари билан яқин танишади, унинг лирикасига ва шарқона дostonларига қизиқади, бу эса шоирнинг ўзига хос поэтик оламининг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатади. Рус адабиётшуноси В.И. Коровин таъкидлаганидек, Пушкин ижодининг “жанубий даври” “байронча типдаги романтик характер образининг русча талқинида мужассамланиши” билан боғлиқдир - эркинликсевар орзугўй, атрофдаги воқеликдан кўнгли қолган индивидуалист бўлиб, у - тасаввурда, баъзан эса ҳақиқатда ҳам - узоқ даврлар ва экзотик мамлакатлар бўйлаб саёҳатга чиқади, юксак романтик идеалларга мос келадиган мукамал ҳаётни излайди [2, с. 462].

Романтиклар ижодида айнан сирли ва жозибадор Шарқ олами – кул ранг, қувончсиз ва маънавий жиҳатдан бўшаб қолган Европа ёки рус воқелигига кескин қарши қўйилган, ёрқин табиат ранглари, экзотика ва иррационал унсурлар билан тўйинган муҳит - шоирлар, рассомлар ва ёзувчилар учун ижодий илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Бу жиҳатдан Пушкин ҳам истисно эмас эди. Кўплаб пушкиншунос тадқиқотчилар таъкидлаганидек, Шарққа бўлган қизиқиш шоирни бутун ҳаёти давомида кузатиб борган. Совет шарқшуноси, адабиётшуноси ва маданият назариячиси И. С. Брагинский Пушкиннинг турли йиллардаги асарларида бу қизиқишнинг чуқурлиги ва барқарорлигини кўрсатувчи ўзига хос «ориентал лаҳзалар»ни топиш мумкинлигини таъкидлайди. [3, с. 73].

Бироқ фақат жанубий сурғун бошланиши билан, «тирик» Шарқ билан бевосита учрашув таъсирида, Пушкин унинг гўзаллиги ва экзотикасига чин маънода қизиқиб, мафтун бўлади. Шоир нафақат кўрганларидан олган шахсий таассуротларини етказишга, балки шарқ маданиятининг чуқур қатламларига кириб бориб, уларни



бадий шаклда акс эттиришга интилади. Айнан Жанубда бўлган даврида, Ж. Г. Байрон ижоди ва Қримнинг манзарали табиати, Кавказ тоғлари ва Карпатлардан олган кучли таассуротлари таъсирида Пушкин адабиётшуносликда «жанубий поэмалар» деб аталган, шарқ мавзусидаги асарлар циклини яратади. Бу циклга тадқиқотчилар «Кавказ асири» (1820–1821), «Қароқчи биродарлар» (1821–1822), «Бахчисарой фаввораси» (1821–1823) ва «Циганлар» (1824) поэмаларини киритадилар. Шу билан бирга, Пушкин ижодида шарқ мавзусини ишлаб чиқиш фақат «жанубий поэмалар» билан чекланиб қолмайди. Романтик давр давомида унинг меросида шарқ муаммоларига бағишланган қатор асарларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Уларга «Асир», «Денгизга», «Қалмиқ қизга», «Кавказ», «Қулаш», «Қазбекдаги монастир», «Делибош», шунингдек «Кирджали» қиссаси ва «1829 йилги юриш вақтида Арзрумга саёҳат» очерки киради. «А. С. Пушкин ижодида Шарқ мотивлари» мавзусида олиб борилган иш муаллифни биринчи қарашда жуда қатъий туюладиган Д. И. Белкиннинг фикрининг тўғрилигига тўла ишонтирди. Пушкин ижоди ҳақидаги барча мавжуд адабиётни, жумладан шоирнинг Шарққа бўлган қизиқишига бағишланган махсус мақолаларни таҳлил қилиш, энг муҳим тадқиқотлар қаторида

Маълумки, европалик романтик ёзувчилар томонидан ишлаб чиқилган «шарқ услуби» кўпинча фақат ташқи шакл сифатида намоён бўлиб, улар шу орқали ўз тасаввурлари билан яратган қаҳрамонларни тасвирлаганлар. Натижада бундай образлар кўп ҳолларда схемаликка мойил бўлиб, инсоннинг ички кечинмаларини етарлича ишончли акс эттира олмаган. Пушкинда эса шарқ қаҳрамонлари ҳамиша тирик ва ишончлидир, чунки у реал тажрибага таянади, асарларда тасвирланган воқеаларни эса ўзи шахсан бошдан кечирган. Шунинг учун Пушкиннинг



шарқона образлари ҳар кимга, айниқса Шарқ одамларига яқин ва тушунарлидир.

И. С. Брагинскийнинг «Пушкин ижодида ғарб-шарқ синтези ҳақидаги қайдлар» асаарида А. С. Пушкин лирикасидаги ориентал мотивлар таҳлил қилинади. Муаллифнинг ўзи таъкидлаганидек, унинг кузатишлари дастлабки характерга эга бўлиб, фақатгина «Пушкин асарларининг тўлиқ тўпламининг биринчи жилдини кўздан кечириш жараёнида топилган айрим мисралар»ни қамраб олади. Брагинский кўтарган ғарб-шарқ синтези муаммоси ҳали етарлича ишлаб чиқилмаган «Пушкин ва Шарқ» мавзусини ўрганишда янги йўналишни ташкил этади. Олим бу соҳани тадқиқ этишда бир қатор қийинчиликларга, аввало масаланинг кам ўрганилганлиги ва мавжуд материалларнинг тизимлаштирилмаганлигига ишора қилади. Муаммони янада самарали ҳал этиш мақсадида Брагинский аниқ амалий чора-тадбирларни таклиф қилади. Унинг фикрича, Пушкин Шарққа дарҳол мурожаат қилмаган: ижодида шарқ мотивларидан фойдаланишга бўлган дастлабки уринишлар фақат айрим «ориентал лаҳзалар»да намоён бўлади. [6]. Атаханов, Диловар Темурович Восточные мотивы в творчестве А. С. Пушкина. 2000, автореферат.

<https://www.dissercat.com/content/vostochnye-motivy-v-tvorchestve-s-pushkina>

Н. М. Лобикованинг «Пушкин ва Шарқ» асари шоирнинг «Шарққа, унинг халқлари ва маданиятига бўлган сўнмас қизиқиши»ни ҳар томонлама ўрганишга бағишланган. Бугунги кунга қадар бу А. С. Пушкин ижодидаги ориентализм мавзусига тўлиқ бағишланган ягона брошюрадир. Очерк шаклида ёзилган мазкур асарда «Руслан ва Людмила», «Бахчисарой фаввораси» ҳамда «Курьонга тақлидлар» поэмалари батафсил таҳлил қилинади. И. С. Брагинскийнинг фикрига



таянган ҳолда, Лобикова «бу жуда қизиқарли муаммо ҳалигача пушкиншунослик томонидан етарлича ўрганилмаган»ини таъкидлайди. Асар доирасида муаллиф кенг қамровли тадқиқот ўтказган: адабиётнинг кенг доираси таҳлил қилинган, салмоқли фактологик материал жамланган, Пушкиннинг Шарққа бўлган қизиқиш манбалари ўрганилган, бой библиография тузилган ҳамда шоирнинг шарқий циклига кирувчи учта асосий асари чуқур таҳлил этилган. Н. М. Лобикова асарининг афзалликларидан бири шундаки, у И. С. Брагинскийнинг «Руслан ва Людмила» поэмасида ориентализм йўқлиги ҳақидаги ҳаддан ташқари қатъий хулосасини шубҳа остига кўяди. Муаллиф ўз позициясини тасдиқлаш мақсадида поэмани «Минг бир кеча»дан олинган араб эртаклари билан қиёсий таҳлил қилиш орқали пушкин асарига шарқ эртакчилиқ анъанасининг яққол таъсирини кўрсатади. «Руслан ва Людмила»ни Абулқосим Фирдоусийнинг машҳур «Шоҳнома» поэмасидаги «Рустамнинг оқ дев билан жанг қилиши» эпизоди билан таққослаш чоғида эса ориентализм унсурлари янада кўпроқ намоён бўлади. «Пушкин ва Шарқ» мавзусига бағишланган тожик тадқиқотлари орасида Вали Самаднинг «Хофиз ва Пушкин» мақоласи алоҳида ўрин тутади. Муаллиф Хофиз таъсирида ёзилган Пушкиннинг аниқ асарларини таҳлил қилмаган бўлса-да, у келтирган фактлар шоирнинг Шарққа, хусусан Саадий ва Хофиз поэзиясига бўлган қизиқиш манбаларини англашда катта аҳамиятга эга.

Айниқса, Пушкиннинг катта Грузия йўлида Табриздан бўлган Озарбайжон шоири Фозилхон билан (тахаллуси - Шайдо) учрашуви ҳақидаги маълумот катта қизиқиш уйғотади. Уларнинг суҳбати узок давом этган: Пушкин Хофиз, Саадий ва форс поэзиясининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўплаб саволлар берган. Совға сифатида Фозилхон шоирга Хофиз девонининг асл нусхасини тақдим этган, шундан сўнг улар орасида хат-хабар (мактуб алмашиш) бошланган. Фозилхон



Петербургга келганида, Пушкин уни ҳар доим қадимий ва яқин дўстидек кутиб олган, бу ҳолатни шоирнинг отаси Сергей Львович ҳам алоҳида қайд этган. Мақолада, шунингдек, Пушкиннинг Кавказда иккинчи бор бўлган вақтида, Тифлисида, «Девони Ҳикмат» («Фалсафий девон») номли адабий тўғарак аъзолари билан танишгани ҳақида ҳам маълумот берилади. Бу тўғаракда Саадий, Хофиз ва Пушкин шеърятининг мухлислари тўпланар эдилар. Улар қаторига Аббос Қулихон Бакихонов, Мирзо Шафё Воеҳ, Мирзо Фатали Охундов (Сабухий тахаллуси билан), арман шоири Хачатур Абовян, немис шоири Ф. Боденштедт, поляк шоири Тадеуш Ладозаблюцкий (1809–1847), шунингдек рус шоирлари В. Полонский ва П. Я. Петров кирар эди.

Ўтказилган таҳлил шуни кўрсатадики, Шарқ мавзуси А. С. Пушкин ижодида тасодифий ёки юзаки ҳодиса эмас, балки унинг бадиий тафаккури, ҳаётий тажрибаси ва романтик эстетикаси билан узвий боғлиқ бўлган мураккаб ва кўпқиррали тизимдир. Пушкин асарларида Шарқ экзотик фон ёки услубий безак сифатидагина эмас, балки инсоннинг ички дунёси, эркинлик, тақдир ва маънавий камолот муаммоларини бадиий-фалсафий англаш воситаси сифатида намоён бўлади. Шоирнинг жанубий сурғун даврида «тирик Шарқ» билан бевосита танишуви, европа романтизми, айниқса Ж. Г. Байрон ижодининг таъсири, шунингдек Кавказ, Қрим ва Шарқ халқлари маданиятидан олган шахсий таассуротлари Пушкинга хос бўлган ўзига хос ориентализмнинг шаклланишига хизмат қилган. Бу ориентализм европалик романтикларга хос ташқи ва схемалик «шарқ услуби»дан фарқли равишда ҳаётийлик, психологик чуқурлик ва реал тажрибага таяниш билан ажралиб туради. Адабиётшунослик тадқиқотлари (Д. И. Белкин, И. С. Брагинский, Н. М. Лобикова, Вали Самад ва бошқалар) Пушкин ижодидаги шарқ мотивларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари ва бадиий хусусиятларини турли жиҳатлардан ёритган



бўлса-да, «Пушкин ва Шарқ» муаммоси ханузгача тўлиқ тизимлаштирилган деб бўлмайди. Айниқса, ориентал лексика, шарқ образлари ва маданий манбаларнинг қиёсий таҳлили йўналишида комплекс тадқиқотларга эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Шу тариқа, Пушкин ижодида хорижий Шарқ мавзусини ўрганиш нафақат шоирнинг бадиий меросини чуқурроқ англаш, балки рус адабиётидаги маданий алоқалар, ориентализм ва ғарб–шарқ синтези муаммоларини ёритишда ҳам муҳим илмий аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Список литературы:

1. Абдалкарем Н.Д. К истории ориентального влияния на язык русской художественной литературы пушкинской эпохи (на примере «Путешествия в Арзрум» А.С.Пушкина) Воронеж. 2015. С. 161.
2. История русской литературы XIX века. 1795-1830 г.г. // Ред. В.И. Коровин. М.: Владос, 2005. Т. 1. С. 462.
3. Брагинский И.С. «Заметки о пушкинском западно-восточном синтезе». М., 1974. С. 73.
4. Искандарова Н.Б. Тема зарубежного Востока в творчестве А. С. Пушкина
5. Пушкин А.С. Собрание сочинений в 10 томах. // Поэмы. Повести. М: Государственное издательство художественной литературы, 1959. Т. 2.
6. Искандарова Н.Б. Тема востока в творчестве А.С. Пушкина.
7. Атаханов, Диловар Темурович Восточные мотивы в творчестве А. С. Пушкина. 2000, автореферат.

<https://www.dissercat.com/content/vostochnye-motivy-v-tvorchestve-s-pushkina>



8. Солева А. Исследование произведения писателя Хан Кан «Vegetарианка» с точки зрения бессознательного. *Til va adbiyot.* 2025, aprel 8-son; 225 с.
9. Soleeva A. The psychoanalytic landscape of Han Kang's fiction's. *FLTAL. Хорижий тил таълими лингводидактикаси ва инновацион асослари. Халқаро илмий-амалий конференция.* 2025, 127-132с.
10. Soleeva, A. "New woman" in the modern korean novel "Vegetarian" by Han Hang. *Tillarni o'qitish metodikasi sohasidagi zamonaviy tilshunoslik va adabiyotshunoslikning dolzarb masalalari. respublika ilmiy-amaliy anjuman.* 2025, 151 с.
11. Валиходжаева Ф. Б. [А.С. Пушкин ижодида шарқона мотивлар: маданий манбалар ва бадиий талқин.](#) *International Research Journal, pedagogs, Volume-96. Issue-2, с.136-139.*
<https://openresearch-hub.com/index.php/ped/issue/view/21>
12. Ташева Э.Б. [Таржима - Тиллараро коммуникация сифатида: таржимашуносликнинг тарихи ва замонавий жиҳатлари.](#) *International Research Journal, pedagogs, Volume-96. Issue-2, с.140-146.*
<https://openresearch-hub.com/index.php/ped/issue/view/21>
13. Солева А.М. [Корея адабиётини таржиманинг ўрни – кореашуносликни ривожлантириш воситаси сифатида.](#) *International Research Journal, pedagogs, Volume-96. Issue-2, с.147-153.*
<https://openresearch-hub.com/index.php/ped/issue/view/21>